

ХОШИМОВ Пазлиддин Зухурович,

Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университети

«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси, иқтисод
фанлари номзоди, доцент

ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

УДК 334.723

ХОШИМОВ П.З. ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Мақолада «миллий инновацион тизим» тушунчасига берилган қатор таърифлар баён қилинган, миллий инновацион тизимнинг унсурлари, инновацион инфратузилманинг бу тизимдаги ўрни ва роли, инновацион инфратузилманинг таркиби, миллий чегара доирасида инновацион тизимнинг ривожланиши динамикаси ва тавсифига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий ва маданий омиллар тўғрисида фикр юритилган, инновацион тизимларнинг асосий моделлари келтирилган, европа-америкача, японча ва Жанубий-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатларининг (Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Гонконг) инновацион тизимлар моделлари тавсифланган.

Таянч иборалар: миллий инновацион тизим, инновацион жараён, ижтимоий соҳа, янги технологиялар, инвестициялар, инвестиция фондлари, миллий инновацион тизим унсурлари, инновацион корхоналар, инновацион инфратузилма, билимларни генерация қилиш, ижтимоий соҳа институтлари, инновацион фаолиятни ахборот билан таъминлаш муҳити, илмий-таълим ташкилотлари, интеллектуал ходимлар, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, фан ва таълим интеграцияси, технопарклар, инновацион технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технологияларни трансфер қилиш марказлари, инновацион менежмент, технологик аудит, интеллектуал мулк, стандартлаштириш, сертифицирлаштириш, инновацион маҳсулот.

ХАШИМОВ П.З. РОЛЬ СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЫ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ

В статье излагаются ряд определений данные понятию «национальная инновационная система», мнения по элементам национальной инновационной системы, месте и роли инновационной инфраструктуры в данной системе, структуре инновационной инфраструктуры, о социальных, политических и культурных факторах, которые могут оказать прямое и косвенное влияние на динамику и характер развития инновационной системы в национальных пределах, приводятся основные модели инновационных систем, даётся характеристика европейско-американской и японской моделям а также моделям инновационных систем новых индустриальных стран Юго-Восточной Азии (Южная Корея, Тайвань, Сингапур, Гонконг).

Ключевые слова: национальная инновационная система, инновационный процесс, социальная сфера, новые технологии, инвестиции, инвестиционные фонды, элементы национальной инновационной системы, инновационные предприятия, инновационная инфраструктура, генерация знаний,

институты социальной сферы, климат информационного обеспечения инновационной деятельности, научно-образовательные организации, интеллектуальные работники, интеллектуальная собственность, фундаментальные и прикладные исследования, интеграция науки и образования, технопарки, инновационно-технологические центры, технологические инкубаторы, центры по трансферам технологий, инновационный менеджмент, технологический аудит, стандартизация, сертификация, инновационная продукция.

HASHIMOV P.Z. THE ROLE OF SOCIAL SPHERE IN DEVELOPMENT OF THE NATIONAL INNOVATION SYSTEM

The article describes a number of definitions given to the concept of «National innovation system», opinions for the elements of the national innovation system, the place and role of the innovation infrastructure in this system, the structure of the innovation infrastructure, social, political and cultural factors that can directly and indirectly influence the dynamics and the nature of the development of the innovation system in the national limits; the main models of the innovation systems are given; as well the characteristics of European-American and Japanese models are given. Models of innovative systems of newly industrialized countries of South-East Asia (South Korea, Taiwan, Singapore, Hong Kong).

Keywords: national innovation system, innovation process, social sphere, new technologies, investments, investment funds, elements of the national innovation system, innovation enterprises, innovation infrastructure, knowledge generation, institutions of the social sphere, climate information support of innovation activities, scientific and educational organizations, intellectual workers, intellectual property, basic and applied research, integration of science and education, technology parks, innovation new technology centers, technology incubators, technology transfer centers, innovative management, technological audit, standardization, certification, innovative products.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, янги иқтисодий тизим барпо этишнинг асосий механизми бўлиб фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш учун қулай шароитларни таъминловчи миллий инновацион тизимни (МИТ) шакллантириш ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион тури бевосита илмий-техникавий салоҳиятнинг ўсиши, турли соҳаларга инвестицияларнинг кенг қўламда жалб қилиниши билан тавсифланади, инновацион фаолият эса корхоналар сони ва қувватининг ошишига олиб келади.

Маълумки, миллий инновацион тизим тушунчаси инновацион иқтисодиётнинг муҳим белгиси сифатида фанга XX асрнинг 70-йилларида кириб келди.

«Миллий инновацион тизим» (МИТ) тушунчасини тавсифловчи қўплаб таърифлар мавжуд. Инновацион ривожланиш концепцияси Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон банки ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар томонидан кенг ривожлантирилмоқда. Мазкур халқаро институтларнинг ташаббуси билан кейинги йилларда қатор йирик тадқиқотлар амалга оширилди ва улар миллий иқтисодиётни анъанавий индустриал иқтисодиётдан билимга, илмга интеллектуал салоҳиятга асосланган постин-

дустриал иқтисодиётга трансформациялашуви жараёнларини ўрганишга йўналтирилган. Жумладан, ОЭСР материалларида (1997) бу йўналиш бўйича қатор бир-бирига маъноси билан анча яқин бўлган таърифлар келтирилган бўлиб, уларда миллий инновацион тизим муайян давлат миқёсида индивидуал ва бир-бири билан ўзаро боғлиқликда янги технологияларни ривожлантириш ва тарқатишни таъминловчи, хусусий ва давлат секторларига тегишли бўлган институтлар мажмуи сифатида тавсифланади¹.

Таниқли иқтисодчи олим К.Фриманнинг фикрига кўра, миллий инновацион тизим (МИТ) – жамият томонидан истеъмол қилинадиган янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқиш, сақлаш, тарқатиш ва янги технологияларга айланишида қатнашадиган иқтисодий субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (қадриятлар, меъёр-

¹ National Innovation Systems, OECD: Paris, 1997.

лар, ҳуқуқларнинг) мураккаб тизими ҳисобланади¹.

МИТ тушунчаси талқинининг кўп вариантли бўлиши, бир томондан, бу тушунчани ташкил этувчи ибораларни тушунишдаги фарқлар, тадқиқотчиларнинг турли ёндашувлари, бошқа томондан эса, муайян мамлакатлар инновацион тизимлари ўртасидаги мамлакатлараро фарқларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, қатор мамлакатларда инновацион тизимлар шаклланишининг назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш МИТ ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қонуниятларини аниқлаш имконини беради. Масалан, фан, таълим, ишлаб чиқариш ва бозор интеграциясининг ўсиши МИТ остки тизимлари ва унсурлари ўртасидаги ички ўзаро алоқалар ва ўзаро таъсирлар ҳажми ва интенсивлигининг ошишига олиб келади; МИТ шакллантириш ва ривожлантиришда тўғридан-тўғри бошқариш методларидан индикатив режалаштириш механизмига ўтиш жараёнида давлат ролининг ўсиши; инвестициялар инновацион йўналтирилганлигининг кучайиши; МИТ ривожлантиришда минтақалар ва алоҳида ҳудудий минтақалараро мажмуалар ролининг ошиши; МИТни ривожлантиришни кафолатловчи ҳўжалик тизими барча бўғинларининг ўзгариши.

Миллий инновацион тизим унсурлари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш лозим: инновацион корхоналар, инновацион инфратузилма; билимларни генерация қилиш ва тарқатиш тизими; таълим ва касбга тайёрлаш соҳасидаги муассасалар; инновацияларни жорий қилишни таъминловчи маълум шарт-шароитлар; маркетинг ва молиявий тузилмалар; ижтимоий соҳа институтлари; қонунчилик; инновацион фаолиятни ахборот билан таъминлаш муҳити ва ҳ.к.

Булардан ташқари, миллий чегара доирасида инновацион тизимнинг ривожланиши динамикаси ва тавсифига тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий ва маданий омиллар мажмуини келтириш мумкин. МИТ нинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ҳар бир унсур ўзининг муҳим ўрни ва ролига эга. Бу тизим алоҳида олинган унсурининг чиқариб ташланиши ёки етарли даражада ривожланмаслиги инновацион жараённинг бузилишига олиб

келади, бинобарин, бутун тизимнинг амал қилишига имкон бермайди. МИТ алоҳида унсурларининг миқёси ва ривожланиш даражаси, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар турли мамлакатлар инновацион тизимларидаги фарқларни белгилайди.

Ҳозирги замон миллий инновацион тизимнинг асоси ва янги иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб инновацион тизим иштирокчилари – корхоналар, илмий-таълим ташкилотлари ва давлат илмий муассасалари ўртасида фундаментал билимларни генерация қилиш ва тарқатиш ҳисобланади.

Илмий-таълим ташкилотлари дейилганда асосан миллий инновацион тизимни барпо этишда муҳим роль ўйновчи университетлар тушунилади. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: ҳудудни кенг қамраб олиш; интеллектуал ходимлар (талабалар ва тадқиқотчиларни қўшганда) оммавий салоҳиятини сафарбар қилиш қобилияти; илмий ва таълим фаолияти, фундаментал ва амалий тадқиқотлар мажмуавийлигининг юқори даражасини таъминлаш. Бу ерда кейичалик билимларни ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ишловчи интеллектуал элитани такрор шакллантириш содир бўлади. Бу ҳолатда олий ўқув юртлар ва Фанлар академияси институтлари кўзда тутилмоқда. Бунда фан ва таълим интеграцияси соҳасида етакчини (лидерни) излаб топиш эмас, балки илмий ва таълим муассасаларининг синовдан ўтган ва янги шакллардаги интеграцияси кўпроқ самара бериши мумкин.

МИТ да инновацион инфратузилма алоҳида ўринга эга, чунки у технологияларни ишлаб чиқувчилардан саноатга ўтказишни таъминлаш вазифасини бажаради.

Инновацион тизимнинг инфратузилмасига турли ресурсларга эришиш имконини берувчи ва инновацион фаолият иштирокчиларига хизмат кўрсатувчи миллий инновацион тизим унсурлари мажмуи киради.

Инновацион инфратузилма таркиби қуйидагилардан иборат:

- **ишлаб чиқариш-технологик:** технопарклар, инновацион технологик марказлар, технологик инкубаторлар, технологияларни трансфер қилиш марказлари ва бошқ.;

- **молиявий:** турли фондлар (бюджет, венчур, суғурта, инвестиция фондлари), ва шунингдек

¹ Freeman C. Technology Policy and Economic Performance. L.: Printer Publishers, 1987. - P. 570.

бошқа молиявий институтлар, масалан, фондлар бозори, айниқса юқори технологияли компаниялар қисмида;

- **ахборот:** аналитик, статистик, ахборот марказлари, маълумотлар ва билимлар базалари;

- **кадрлар тайёрлаш тизимлари:** илмий ва инновацион менежмент, технологик аудит, маркетинг ва бошқа соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими;

- **эксперт-консалтинг:** интеллектуал мулк, стандартлаштириш, сертификатлаштириш муаммолари бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда умумий ва алоҳида соҳалардаги (молия, инвестициялар, маркетинг, бошқарув ва бошқ.) консалтинг марказлари.

МИТ таърифи бўйича турли ёндашувлар хусусиятларини ўрганиш натижалари асосида унинг таърифини янада кенгроқ бериш мумкин: МИТ ижтимоий-иқтисодий тизимни барқарор ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган рақобатбардош билимларни шакллантириш ва технологияларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнида иштирок этувчи ва унинг субъектлари (корхоналар, минтақалар, бутун мамлакат) рақобатбардошлигини, шу жумладан, халқаро даражада оширишни таъминловчи хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, илмий муассасалар, истеъмолчилар) ва институтлар (ҳуқуқий, қонуний, молиявий, ижтимоий) мажмуидир.

Мамлакатнинг инновацион тизими унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги даражасига мос келади ва кўпгина объектив шарт-шароитларга боғлиқ бўлади: ишлаб чиқариш асосий омиллари ва инфратузилманинг мавжудлиги, сиёсий тизим, қонунчилик, аҳолининг таълим даражаси, иқтисодиётнинг очиқлиги ҳолати, бозор институтлари амал қилишининг самарадорлиги ва ҳ.к.

Инновацион тизимларнинг бир қанча асосий моделлари мавжуд:

- инновацион маҳсулотни генерация қилиш учун устун даражада ўзининг илмий-техник салоҳиятини ривожлантириш ва ундан фойдаланишга асосланган европа-америкача;

- хориж илмий-техник салоҳиятидан «фойдаланиш», янги билимларни қўшимча ишлов бериш ва иқтисодиётга янгиликларни жорий қилиш стратегиясига асосланган японча;

- Жанубий-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатларининг (Жанубий Корея, Тайван, Сингапур, Гонконг) инновацион тизимлар моделлари, уларга қуйидаги белгилар хосдир: қулай инвестиция муҳити, фан ва инновацияларнинг юқори суръатларда ривожланиши. Булар техник жиҳатдан мураккаб товарларни (электроника ва автомобиллар) ишлаб чиқарувчи экспортга йўналтирилган тармоқлар эҳтиёжини, аҳолининг турли шакллардаги таълим олишга бўлган талабини кенг миқёсда таъминлайди.

МИТ моделлари ўртасидаги фарқларга қарамай, улар учун бирлаштирувчи томон бўлиб урта устуворликларни белгиловчи ва таъминловчи давлатнинг етакчилиги юзага чиқади, бу устуворликлар: фанни ривожлантириш, таълимни ривожлантириш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Мамлакатимиз инновацион тизимини ривожлантириш шарт-шароитлари ва муаммоларини таҳлил қилиш натижалари унинг қуйидаги хусусиятларини аниқлаш имконини беради: инновацион тизимнинг асосан давлат томонидан молиялаштирилиши; ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш (шу жумладан, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши истиқболлари); ривожланган ишлаб чиқариш базасининг етарли эмаслиги; чет эл компаниялари учун республикамизнинг инвестицион жозибадорлиги билан бир қаторда катта миқёсдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизмларининг етарли даражада шаклланмаганлиги.

Европа-америкача модель инновацион жараённинг барча босқичларида катта миқдордаги молиявий қўйилмаларни, инновацияларни амалга оширишда миллий корхоналар томонидан манфаатдорликни талаб қилади. Бу моделнинг асосини корхоналар ва олий ўқув юртларининг тадқиқот базалари, давлат, бизнес ва академик тузулмалар ўртасидаги ривожланган шерикчилик ташкил этади.

Японча модель хорижий илмий-техник салоҳиятни мамлакат ичида қўшимча ўзгартиришлар қилиб фойдаланиш ва жорий қилишга асосланади. Бунда асосий тўсиқ бўлиб миллий бозорларни эгаллаш, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг технологик жиҳатдан орқада қолишини сақлаб қолишга йўналтирилган ривожланган давлатларнинг (ўзларининг ТМК сиёсат-

лари орқали амалга ошириладиган) рақобат стратегияси юзага чиқади.

Фикримизча, Ўзбекистон учун унинг иқтисодиёти ривожланишининг объектив тенденцияларини ҳисобга олганда, хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб қилган ҳолда ўзининг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланишга асосланган моделни шакллантириш, ривожлантириш ва қўллаш мақсадга мувофиқдир. Самарали инно-

вацион секторни шакллантириш ва ривожлантириш ўзимизнинг кашфиётларимизни (агар улар бошқа мамлакатлардагилар билан рақобатлаша олса) ва чет эл «ноу-хау» ларини (қўллаш даражаси ва самарадорлиги бўйича ўзимизнинг илмий-техник имкониятларимиздан устун бўлса) ўз ичига олган фан ва техниканинг илғор ютуқларини жалб қилиш асосида амалга оширилиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

5. Акрамова Ш. Билимларга асосланган иқтисодиётда олий таълимнинг ўрни. Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы: Монография / Под. ред. академика Р. Убайдуллаевой. - Т., 2012.
6. Макаров В. Контуры экономики знаний // Экономист, 2003, № 3.
7. Романов Д.Н. Национальная инновационная система и модернизация социальной сферы. – М.: «Макс Пресс, 2011.
8. National Innovation Systems, OECD: Paris, 1997.
1. Freeman C. Technology Policy and Economic Performance. L.: Printer Publishers, 1987.
2. The Knowledge Based Economy. Organization For Economic Cooperation and Development, Paris. 1996.
3. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
4. www.economy.gov.ru